

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 27 » ИЮЛЬ 2018 у.

№ 588

Toshkent sh.

**Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига
кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 16 ноябрдаги ПҚ–3389-сон қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш, абитуриентдан ижодкорлик ва индивидуал маҳорат талаб этиладиган соҳалардаги таълим йўналишларига қабулни адолатли, ҳолис ва шаффоф ўтказиш орқали пухта билимга эга бўлган иқтидорли ёшларнинг ўқишга қабул қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “27” июлдаги 588-сон қарорига
илова

**Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим
йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий)
имтиҳонлар орқали қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасалари алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларига талабаликка даъвогарларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги тегишли қарори билан тасдиқланган давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги қабул квоталарига мувофиқ касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиш орқали қабул қилади.

3. Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларига қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан касбий (ижодий) имтиҳонлар натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

4. Олий таълим муассасаларининг алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишига қабул барча учун (ҳам давлат гранти, ҳам тўлов-контракт бўйича) ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, касбий (ижодий) имтиҳонларда энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниши таъминланади. Қолган абитуриентлар касбий (ижодий) имтиҳонлар рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Касбий (ижодий) имтиҳон ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва таълим шаклларига кўра алоҳида ўтказилади.

Айрим бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ҳудудлар кесимида мақсадли қабул квоталари тасдиқланган тақдирда, касбий (ижодий) имтиҳон ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида ўтказилади. Мақсадли қабул квотаси фақат давлат гранти асосидаги ўринларга белгиланганида мақсадли қабул танловида қатнашиб, давлат гранти асосида қабул қилинмаган абитуриентлар мазкур таълим йўналишида тўплаган баллари билан ушбу йўналиш учун тасдиқланган умумий тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари доирасидаги танловда иштирок этиши мумкин.

6. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари жойларда касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлайдилар.

7. Касбий (ижодий) имтиҳонлар қабул квотасига мувофиқ олий таълим муассасасида таълим олиш (ўзбек, рус, қорақалпоқ ва бошқа) тилида ўтказилади.

Ўзбек гуруҳларига ҳужжат топширган абитуриент ўз аризасига асосан касбий (ижодий) имтиҳонларни латин ёки кирилл алифбосида топшириш ҳуқуқига эга (имтиҳон саволлари олий таълим муассасаси томонидан қандай алифбода берилишидан қатъий назар).

Касбий (ижодий) имтиҳон фанлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалий, оғзаки шаклларда ўтказилиши мумкин.

Олий таълим муассасаларида бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тили Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталари доирасида, абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилингунига қадар тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади ҳамда Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

8. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга талабаларни қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

9. Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларига ҳужжатларни қабул қилиш, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолибларини, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентларни, кўзи ожизлар тоифасига кирувчи абитуриентларни, хорижий фуқароларни, абитуриентларни давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

10. Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ўтказилади.

2-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

11. Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар ҳар йили 25 июлдан 10 августгача бўлган даврда олий таълим муассасаларида ўтказилади.

12. Касбий (ижодий) имтиҳон бошланишидан бир ҳафта олдин абитуриентларга олий таълим муассасасининг қабул комиссияси раиси ва масъул котиби имзолаган ҳамда олий таълим муассасасининг муҳри қўйилган ва ушбу Низомга 2-иловада намуна сифатида келтирилган рухсатнома берилади.

13. Касбий (ижодий) имтиҳонлар абитуриентларнинг танланган бакалаврият таълим йўналиши бўйича ўқиш ва кейинчалик ишлаб кетиш имкониятларини аниқлаш, уларнинг фанлар бўйича билим, малака, касбий кўникма, ижодий ва жисмоний қобилиятларини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

14. Касбий (ижодий) имтиҳонлар топшириқлари умумий ўрта (11-синф негизида), ўрта махсус, касб-хунар (шу жумладан маданият, санъат, мусиқа, спорт ва жисмоний тарбияга ихтисослаштирилган) таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ олий таълим муассасалари томонидан тузилади ва олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади.

Спорт ва жисмоний тарбия фанлари бўйича имтиҳонлар топшириқлари абитуриентларнинг алоҳида тоифалари учун (жинси ва ёши бўйича) белгиланган меъёрий талабларга мувофиқ тузилади.

15. Алоҳида иктидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар таклифлари асосида ҳар йили Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

16. Касбий (ижодий) имтиҳонларни ушбу Низомга мувофиқ ташкил этиш ва адолатли ўтказиш масъулияти, шу жумладан уларни видео тасвирга олиш олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси, масъул котиби, унинг ўринбосари, фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва аъзолари, шунингдек, имтиҳон комиссияси аъзоси ҳисобланадиган гуруҳ назоратчиси зиммасига юкланади.

17. Касбий (ижодий) имтиҳонни белгиланган талабларга қатъий риоя этган тарзда тўғри ва адолатли ўтказилишини таъминлаш, имтиҳонлар ўтадиган хоналарни зарур кўرғазмали воситалар, ўқув қуроллари ва ашёлар билан жиҳозлаш бўйича шахсий масъулият олий таълим муассасасининг қабул комиссияси ва фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси зиммасига юкланади.

18. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган бинога киришда абитуриент микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, шунингдек, касбий (ижодий) имтиҳонлар давомида имтиҳон топшириқларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, касбий (ижодий) имтиҳонлар учун ажратилган вақт тугаганидан кейин имтиҳон топшириқларини топширишдан бош тортса, имтиҳон топшириқларини гуруҳдан ташқарига чиқарса, мазкур ҳолатларда абитуриент касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва фан бўйича имтиҳон комиссия раиси ҳамда гуруҳ назоратчилари томонидан далолатнома тузилиб четлаштирилади.

3-боб. Касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш тартиби

19. Олий таълим муассасасида касбий (ижодий) имтиҳонлар қуйидаги тартибда ўтказилади:

олий таълим муассасасининг қабул комиссияси фан бўйича имтиҳон комиссиясининг раислигига номзодни ўз вақтида тасдиқлаш учун бўйсунушига қараб тегишли вазирлик, идорага тақдим этади;

касбий (ижодий) имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тегишли фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш учун 3 кишидан кам бўлмаган таркибда тажрибали, малакали ва масъулиятли профессор-ўқитувчилардан шакллантирилган фанлар бўйича имтиҳон комиссиялари ташкил этилади;

касбий (ижодий) имтиҳон ҳар бир гуруҳда, қоида тариқасида 2 нафар гуруҳ назоратчиси кузатувида, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган жадвалга қатъий риоя этган ҳолда ўтказилади;

касбий (ижодий) имтиҳонларга ажратиладиган вақт имтиҳон дастурларига мувофиқ олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади.

Фан бўйича имтиҳон комиссияси таркибига соҳанинг етук мутахассислари ва бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ушбу ташкилотларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

20. Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича имтиҳон дастурлари ва ҳар бир фан хусусияти ҳисобга олинган ҳолда баҳолаш мезонлари, шунингдек, тегишли бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ келувчи фан мажмуалари олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади.

21. Олий таълим муассасасининг қабул комиссияси имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин абитуриентлар эътиборига имтиҳон дастурлари, баҳолаш мезонлари, маслаҳатлар ва имтиҳонлар жадвалини маълум қилади.

22. Касбий (ижодий) имтиҳонлар, тегишли бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати ва уларга мувофиқ келувчи 3 та фан мажмуаларида тўпланиши мумкин бўлган максимал 189,0 баллдан, ҳар бир фаннинг ўрнига қараб унинг учун ажратилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган ораликда баҳоланади.

23. Касбий (ижодий) имтиҳонлар (спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишлари бундан мустасно) коллегиял тартибда қабул қилинади ва баҳоланади.

Бунда фан бўйича имтиҳон комиссияси аъзоларининг ҳар бири талабалikka даъвогарни алоҳида-алоҳида баҳолайди ва унинг якуний баҳоси фан бўйича имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан қўйилган баҳоларнинг ўртача қийматига тенг бўлади.

24. Абитуриентларнинг амалий шаклда бажарган имтиҳон ишларини текшириш ва баҳолаш шифрлаш орқали амалга оширилади.

Гуруҳ назоратчиси касбий (ижодий) имтиҳон тугаганидан сўнг абитуриентларнинг амалий ишларини қабул қилиб олиш, ҳар бир амалий иш ва унинг ушбу Низомга 3-иловада намуна сифатида келтирилган титул варағига идентификация рақамлари (шифр)ни қўйиш ҳамда имтиҳон комиссияси раисига ушбу имтиҳон ишларини текширишга бериш учун масъул ҳисобланади.

Амалий имтиҳон ишларига қўйилган шифрларнинг махфийлигини таъминлашга гуруҳ назоратчиси шахсан масъул ҳисобланади.

Амалий имтиҳон ишларини шифрлаш ва қайта тиклаш ҳамда уларни текшириш ва баҳолаш махсус ажратилган хоналарда амалга оширилади.

Амалий имтиҳон ишларини объектив текшириш, баҳолаш ҳамда абитуриент томонидан тўпланган балларни титул варағида акс эттириш учун масъулият фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва аъзолари зиммасига юкланади.

Амалий имтиҳон ишлари қабул комиссияларининг махсус хоналарида бир йил сақланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

25. Жадвал бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларга (имтиҳон босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилмайди ва улар ўқишга қабул қилинмайди.

26. Тегишли бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ фанлар мажмуасидаги ҳар бир фан бўйича имтиҳон натижалари касбий (ижодий) имтиҳон хусусиятига қараб, имтиҳон ўтказилганидан кейин 1-3 кун муддатда олий таълим муассасаси расмий веб-сайтида эълон қилинади.

27. Олий таълим муассасасида касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда норозилик (апелляция) аризаларини кўриб чиқиш учун соҳанинг етук мутахассислари ва бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркибига фан бўйича имтиҳон комиссияси аъзоларининг киритилиши тақиқланади.

Имтиҳонни қабул қилган фан бўйича комиссия аъзоси апелляция жараёнида қатнашиб, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Норозилик (апелляция) аризалари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан бир кун муддатда кўриб чиқилади.

28. Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари фанлар кесимида алоҳида имтиҳон қайдномаларига киритилади.

Ушбу имтиҳон қайдномаларининг ҳар бири фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ҳамда муҳрланади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар яқунланганидан сўнг имтиҳон қайдномалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан бўйсунушига қараб тегишли вазирлик (идора) орқали ҳар йили 15 августга қадар қарор қабул қилиш учун Давлат комиссиясига тақдим этилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

29. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш
СХЕМАСИ

Босқич	Тадбирлар	Масъуллар	Бажариш муддатлари
I босқич	Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишларининг рўйхати бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига тақдим этади.	Тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилингандан сўнг икки ҳафта муддатда
II босқич	Фан бўйича касбий (ижодий) имтиҳон комиссиясининг раислигига номзодларни тасдиқлаш учун бўйсунушига қараб тегишли вазирлик (идора)га тақдим этади.	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	ҳар йили 15 июнга қадар
III босқич	Тегисли фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва қабул қилиш учун тажрибали, малакали ва масъулиятли профессор-ўқитувчилар таркибидан шакллантирилган фанлар бўйича имтиҳон комиссияларини ташкил этади.	Олий таълим муассасалари ректорлари	имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин
IV босқич	1. Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича имтиҳон дастурлари ва ҳар бир фан хусусияти ҳисобга олинган ҳолда баҳолаш мезонлари, шунингдек, тегишли бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ келувчи фан мажмуаларини ишлаб чиқади. 2. Имтиҳон дастурлари, баҳолаш мезонлари, ҳамда тегишли бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ келувчи фан мажмуаларини тасдиқлайди.	1. Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари 2. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар	имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин

V босқич	Имтиҳон дастурлари, баҳолаш мезонлари, маслаҳатлар ва имтиҳонлар жадвалини абитуриентлар эътиборига маълум қилади.	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин
VI босқич	Касбий (ижодий) имтиҳонлар топшириқларини умумий ўрта (11-синф негизида), ўрта махсус, касб-хунар (шу жумладан, маданият, санъат, мусика, спорт ва жисмоний тарбияга ихтисослаштирилган) таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ тузади ва тасдиқлайди.	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин
VII босқич	Абитуриентларга олий таълим муассасасининг қабул комиссияси раиси ва масъул котиби имзолаган ҳамда олий таълим муассасасининг муҳри қўйилган рухсатномани беради.	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	имтиҳонлар бошланишидан бир ҳафта олдин
VIII босқич	Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиши.	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	ҳар йили 25 июлдан 10 августга қадар
IX босқич	Тегишли бакалаврият таълим йўналишларига мувофиқ фанлар мажмуасидаги ҳар бир фан бўйича касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини олий таълим муассасаси расмий веб-сайтида эълон қилади.	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	имтиҳон ўтказилганидан кейин 1-3 кун муддатда
X босқич	Абитуриентларнинг апелляция аризаларини кўриб чиқади ва унинг натижаларини эълон қилади.	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари, апелляция комиссияси	апелляция аризалари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва бир кун муддатда кўриб чиқилади
XI босқич	Касбий (ижодий) имтиҳонлар қайдномаларини бўйсунушига мувофиқ тегишли вазирлик (идора) орқали Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига тақдим этади.	Тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	ҳар йили 15 августга қадар

Алоҳида иқтидор талаб этиладиган
бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест
синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар
орқали қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Абитуриент рухсатномаси
(олд томони)

№ IR

ABITURIYENT DIQQATIGA!

1. Mazkur ruxsatnoma pasport bilan birga ke'rsatilganda kirish imtihoni o'tkaziladigan hududga kitish imkonini beradi.
2. Belgilangan vaqtdan kechikkanlar kirish imtihoniga qo'yilmaydi.
3. "ABITURIYENT RUXSATNOMASI" dagi ma'lumotlar xato to'ldirilgan yoki to'ldirilmagan hollarda abituriyent tomonidan qabul komissiyasiga murojaat qilinadi.

ВНИМАНИЮ АБИТУРИЕНТА!

1. Данный пропуск при предъявлении паспорта дает возможность входа на территорию экзамена.
2. Опоздавшие в назначенное время к вступительному экзамену не допускаются.
3. Абитуриент в случаях ошибочного заполнения или незаполнения данных в "ПРОПУСКЕ АБИТУРИЕНТА" должен обратиться в приемную комиссию.

**ABITURIYENT
RUXSATNOMASI**

**ПРОПУСК
АБИТУРИЕНТА**

OO'MTV

Olting va o'zining
maxsus ta'lim
sahifasiga

(орқа томони)

Кириш имтиҳони вақтида то'ldiriladi
Заполняется во время вступительного экзамена

(Familiyasi, ismi, otasining ismi / Фамилия, имя, отчество)

(Ta'lim muassasasi / Образовательное учреждение) (Ta'lim shakli / Форма обучения)

(Ta'lim tili / Язык обучения) (Chet tili / Иностранный язык) (Pasport / Паспорт)

(Ta'lim yo'nalishi shifri va nomi)
(Шифр и наименование направления образования)

Кириш имтиҳони o'tkaziladigan sana / время проведения вступительного экзамена

I. fan / предмет _____
fan nomi va o'tkaziladigan sana / название предмета и время проведения

II. fan / предмет _____
fan nomi va o'tkaziladigan sana / название предмета и время проведения

III. fan / предмет _____
fan nomi va o'tkaziladigan sana / название предмета и время проведения

Qabul komissiyasi mas'ul kotibi E.L.O.
Ф.И.О. ответственного секретаря приемной комиссии

Imzo / Подпись

Вино/Датис

Gurub/Група

Berilgan vaqtda qabul qilindi
20__ y. _____

Ta'lim muassasasi
mudiri

Алоҳида иқтидор талаб этиладиган
бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест
синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар
орқали қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Титул варақаси
(олд томони)

TITUL VARAQASI; ТИТУЛЬНЫЙ ЛИСТ

Familiyasi, ismi, otasining ismi/Фамилия, имя, отчество

Та'лим муассасаси/Образовательное учреждение _____ Guruh/Группа _____

Та'лим shakli/Форма обучения _____ Та'лим tili/Язык обучения _____

(Ta'lim yo'nalishi shifri va nomi)
(Шифр и наименование направления образования)

1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
3	3	3	3	3	3	3	3	3	3
4	4	4	4	4	4	4	4	4	4
5	5	5	5	5	5	5	5	5	5
6	6	6	6	6	6	6	6	6	6
7	7	7	7	7	7	7	7	7	7
8	8	8	8	8	8	8	8	8	8
9	9	9	9	9	9	9	9	9	9
0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

Ta'lim muassasasi shifri

20__ yil " __ " _____

Qabul komissiyasi mas'ul kotibi
Ответственный секретарь приёмной комиссии _____

F.I.O.: Ф.И.О. _____ Imzo: Подпись _____

ESLATMA: Titul varaqasi talabning shaxsiy hujjati yig'ima qildida saqlanadi.
ПРИМЕЧАНИЕ: титульный лист хранится в личном деле студента.

(орқа томони)

Kirish imtihoni qaydnomasidan ko'chirma / Выписка из экзаменационной ведомости № IT

I. fan / предмет _____ fan nomi va o'kaziladigan sana / название предмета _____ ball/bалл _____ imtihon oluvchi F.I.O. / Ф.И.О. экзаменатора _____ _____ imtihon ishining shifri _____

II. fan / предмет _____ fan nomi va o'kaziladigan sana / название предмета _____ ball/bалл _____ imtihon oluvchi F.I.O. / Ф.И.О. экзаменатора _____ _____ imtihon ishining shifri _____

III. fan / предмет _____ fan nomi va o'kaziladigan sana / название предмета _____ ball/bалл _____ imtihon oluvchi F.I.O. / Ф.И.О. экзаменатора _____ _____ imtihon ishining shifri _____

IV. Umumiy ball / Общее количество баллов _____ ball/bалл _____ tartib va so'z bilan / цифрами и прописью _____

V. Ushbu ta'lim yo'nalishi bo'yicha belgilangan eng past o'tish bali: _____
Минимальный проходной балл, определенный по этому направлению образования: _____ grant bo'yicha, no grantu _____ kontrakt bo'yicha, no kontraktu _____

VI. Abituriyentning talabalikka qabul qilinishi: _____
Зачисление абитуриента: _____
"grant(kontrakt)(imtiyoz) asosida qabul qilindi"; "qabul qilinmadi"; "sancislen no grantu(kontraktu)(absolot)"; "ne sancislen"

Qabul komissiyasi mas'ul kotibi
Ответственный секретарь приёмной комиссии _____

F.I.O.: Ф.И.О. _____ Imzo: Подпись _____

Ta'lim muassasasi shifri _____

20__ yil " __ " _____